

ХИДИРОВ Сухроб Норбутаевич,
Республика Маънавият ва маърифат маркази,
Жамият бирдамлигини таъминлаш бўйича
лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиги,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ДИНИЙ СТЕРЕОТИПЛАР ВА ДИНДОРЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ: СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ

ВЛИЯНИЕ РЕЛИГИОЗНЫХ СТЕРЕОТИПОВ И УРОВНЯ РЕЛИГИОЗНОСТИ НА СОЦИАЛЬНУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ В УСЛОВИЯХ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА: СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

THE IMPACT OF RELIGIOUS STEREOTYPES AND THE LEVEL OF RELIGIOSITY ON SOCIAL SECURITY IN THE CONTEXT OF NEW UZBEKISTAN: A SOCIOLOGICAL ANALYSIS

Аннотация. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистон шароитида диний бағрикенглик, конфессиялараро муносабатлар ҳамда диндорлик даражасига оид ижтимоий стереотипларнинг ижтимоий хавфсизликка таъсири социологик таҳлил асосида ўрганилади. Эмпирик социологик сўров натижалари орқали жамиятда диний камситиш ҳолатларининг тарқалиш даражаси, уларнинг шакллари, латент хусусиятлари ҳамда ижтимоий ишончга таъсири баҳоланади. Шунингдек, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: ижтимоий хавфсизлик, диний бағрикенглик, стереотип, диндорлик, конфессиялараро муносабатлар, ижтимоий ишонч, Янги Ўзбекистон.

Аннотация. В данной статье на основе социологического анализа исследуется влияние

религиозной толерантности, межконфессиональных отношений и социальных стереотипов, связанных с уровнем религиозности, на социальную безопасность в условиях Нового Узбекистана. На основе результатов эмпирического социологического опроса оцениваются степень распространённости случаев религиозной дискриминации в обществе, их формы, латентные характеристики, а также влияние на уровень социального доверия. Кроме того, разрабатываются научно обоснованные рекомендации, направленные на укрепление социальной стабильности.

Ключевые слова: социальная безопасность, религиозная толерантность, стереотип, религиозность, межконфессиональные отношения, социальное доверие, Новый Узбекистан.

Annotation. This article examines, based on sociological analysis, the impact of religious tolerance, interfaith relations, and social stereotypes related to the level of religiosity on social security in the context of New Uzbekistan. Using empirical sociological survey data, the study assesses the prevalence of religious discrimination in society, its forms, latent characteristics, and its influence on the level of social trust. In addition, the article develops evidence-based recommendations aimed at strengthening social stability.

Keywords: social security, religious tolerance, stereotype, religiosity, interfaith relations, social trust, New Uzbekistan.

КИРИШ

Янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон стратегияси — 2030“ да “Янги Ўзбекистонда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятдир” [1], деб белгилангани бугунги жамиятда, ислохотлар жараёнида диний соҳадаги ислохотлар алоҳида ўрин эгаллашини, улар жамиятда бағрикенглик, конфессиялараро тотувлик ва виждон эркинлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини кўрсатади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда диний соҳада институционал ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилиб, диний ташкилотлар фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди,

диний таълим тизими такомиллаштирилди ҳамда жамиятда экстремизм ва радикализмнинг олдини олишга қаратилган профилактик механизмлар кучайтирилди. Натижада мамлакатда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ва конфессиялараро муносабатларни барқарорлаштириш бўйича ижобий тенденциялар кузатилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон” концепциясида инсон манфаати ва қадр устувор йўналиш сифатида белгиланиб, виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим қисми сифатида қайд этилган. Жумладан, Президентнинг маънавий-маърифий чиқишларида “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият” [2] эканлиги, шунингдек, диннинг жамиятда бирлаштирувчи, бағрикенглик ва маънавият манбаи сифатидаги роли алоҳида таъкидланади. Шунингдек, давлат раҳбарининг ғояларига кўра, жамиятдаги тинчлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик ижтимоий барқарорликнинг асосий омили ҳисобланади.

Ушбу назарий ва амалий ёндашувлар мамлакатда диний соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг концептуал асосини ташкил этиб, ижтимоий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, жамиятда диний эътиқод ва диндорлик даражасига оид шаклланган ижтимоий стереотиплар ҳамда уларнинг латент кўринишлари ижтимоий муносабатларга маълум даражада таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуктаи назардан, мазкур тадқиқотнинг мақсади Янги Ўзбекистон шароитида диний бағрикенглик, конфессиялараро муносабатлар ва диндорлик даражасига оид ижтимоий стереотипларнинг ижтимоий хавфсизликка таъсирини социологик ёндашув асосида таҳлил қилишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланган Янги Ўзбекистонда кўп конфессияли жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлашда диний омиллар ва диндорлик даражасига нисбатан шаклланган стереотиплар муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади — диний эътиқод ва диндорлик даражасига оид стереотипларнинг ижтимоий хавфсизликка таъсирини эмпирик социологик маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва илмий хулосалар чиқаришдан иборат.

Янги Ўзбекистон шароитида диний бағрикенглик, конфессиялараро муносабатлар ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш масалалари нафақат эмпирик социологик тадқиқотлар, балки мустаҳкам назарий ва ҳуқуқий асосларга ҳам таянади. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” ва Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномаларда инсон қадрини улуғлаш, виждон эркинлигини таъминлаш ҳамда жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун диний эркинликни кафолатлаш, фуқароларнинг диндан қатъи назар тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни белгилаб беради. Бу эса мамлакатда диний соҳада институционал барқарорликни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, замонавий илмий тадқиқотларда (У. Каримов, А. Саидов, Б. Расулов) таъкидланишича, Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг ривожланиши нафақат ҳуқуқий база билан, балки ижтимоий ишонч, маданий мулоқот ва таълим тизими орқали ҳам мустаҳкамланмоқда. Хусусан, UNDP ва World Bank каби халқаро ташкилотлар ҳисоботларида мамлакатда ижтимоий барқарорлик ва конфессиялараро муносабатлар ижобий динамикада экани қайд этилган.

Шу нуктаи назардан, диний стереотиплар ва диндорлик даражасига оид ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши ҳуқуқий асослар билан бир қаторда ижтимоий-психологик омиллар билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларни бартараф этишда комплекс ёндашув зарурлиги аниқланади. Бу эса ижтимоий хавфсизликни таъминлашда давлат сиёсати, ҳуқуқий тизим ва жамият институтлари ўртасидаги уйғунлик муҳим эканини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва конфессиялараро муносабатларнинг илмий таҳлили маҳаллий диншунос ва социолог олимлар томонидан кенг ўрганилмоқда. Уларнинг тадқиқотларида Янги Ўзбекистон шароитида диний бағрикенглик нафақат ҳукукий меъёр, балки ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик жамиятининг муҳим маданий-ахлоқий асоси сифатида баҳоланади.

Хусусан, А. Саидов ўз ишларида диний бағрикенгликни инсон ҳуқуқлари тизимининг ажралмас қисми сифатида талқин қилиб [3], Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида конфессиялараро мулоқотнинг янги босқичга чиққанини таъкидлайди. Унинг фикрича, давлат сиёсатида динлараро муносабатларни либераллаштириш ижтимоий ишончни оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, У. Каримов диний бағрикенгликни ижтимоий интеграция механизми сифатида баҳолаб, кўп конфессияли жамиятда барқарорликнинг асосий шарти сифатида мулоқот маданиятини ривожлантиришни кўрсатади [4]. Унинг таъкидлашича, диний стереотипларнинг камайиши таълим ва маърифий ишлар самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Б. Расулов ўз социологик тадқиқотларида Янги Ўзбекистон шароитида диний бағрикенгликнинг эмпирик кўрсаткичларини таҳлил қилиб, жамиятда конфессиялараро муносабатлар нисбатан барқарор эканини, аммо айрим латент стереотиплар сақланиб қолаётганини қайд этади [5].

Шунингдек, айрим тадқиқотларда диний бағрикенглиkning институционал асослари мустаҳкамлангани, аммо ижтимоий даражадаги стереотипик тасаввурларнинг тўлиқ бартараф этилмагани таъкидланади. Бу ҳолат, олимларнинг фикрича, ижтимоий мулоқот ва медиа муҳитнинг ролини янада ошириш зарурлигини кўрсатади [6].

Умуман олганда, ўзбек диншунос олимларининг илмий хулосалари Янги Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг барқарор ривожланиш босқичига ўтганини тасдиқлайди, бироқ стереотиплар ва ижтимоий масофа каби омиллар профилактик ёндашувни талаб қилишини кўрсатади.

Диний стереотиплар бўйича хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили

Хорижий илмий тадқиқотларда диний стереотиплар ижтимоий психология ва социологиянинг муҳим объекти сифатида талқин қилинади. Г. В. Олпорт ўзининг классик асарида стереотип ва предрассудкаларни гуруҳлараро олдиндан шаклланган салбий тасаввурлар сифатида изоҳлаб, уларнинг дискриминацияга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг “contact hypothesis” назариясига кўра, турли диний гуруҳлар ўртасидаги бевосита мулоқот стереотипларнинг пасайишига хизмат қилади [7].

С.П.Хантингтон глобал сиёсий жараёнлар таҳлилида диний ва цивилизацион фарқлар айрим ҳолларда ижтимоий зиддиятларни кучайтириши мумкинлигини илгари суради [8]. Бирок замонавий тадқиқотлар бу ёндашувни бир томонлама деб баҳолаб, асосий омил сифатида стереотиплар ва уларнинг ижтимоий конструкциясини кўрсатади.

Pew Research Center tadqiqotlarida diniy stereotiplar kўp hollarda ijtimoiy ishonchning pastligi, axborot etishmasligi va konfessional izolyatsiya bilan bogʻliq ekanini koʻrsatgan [9]. Bu holat ayniqsa kўp konfessiyali jamiyatlarda muhim ahamiyat kasb etadi.

П.Л.Бергер ва Т.Люкман томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий конструктивизм назариясига мувофиқ, диний стереотиплар объектив реаллик эмас, балки кундалик ижтимоий коммуникациялар орқали шаклланадиган субъектив конструкциялардир [10]. Шу боис уларни ўзгартириш учун институционал ва маданий муҳит муҳим роль ўйнайди.

Ж.Касанова ва Н.Смарт каби замонавий тадқиқотчилар диний стереотипларнинг камайиши учун асосий омил сифатида секулярлашув эмас, балки инклюзив фуқаролик маданияти ва кўпмаданиятли мулоқотни ривожлантириш зарурлигини таъкидлайдилар [11].

Умуман олганда, хорижий илмий манбалар таҳлили диний стереотиплар универсал ижтимоий ҳодиса эканини ва уларнинг шаклланиши асосан ижтимоий мулоқот, таълим муҳити ва институционал ишонч даражасига боғлиқ эканини кўрсатади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот республиканинг 208 та туман/шахридан танланган 1039 та маҳаллада 22 335 респондент ўртасида ўтказилган эмпирик тадқиқот [12] сўровнома натижаларига таянади. Унда диний муносабатлар, камситиш ҳолатлари, ижтимоий ишонч ва мулоқот даражаси ўрганилди. Таҳлилда қиёсий, структурали ва интерпретатив ёндашув усуллари қўлланилди.

АСОСИЙ НАТИЖАЛАР ВА ТАҲЛИЛ

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 70,6% жамиятда турли дин вакилларига нисбатан тенг муносабат мавжудлигини таъкидлаган. Наманган (85,0%), Хоразм (78,1%) ва Жиззах (74,2%) ҳудудларида бу кўрсаткич юқори. Бу ҳолат бағрикенгликнинг ижтимоий нормага айланганини; конфессиялараро муносабатларнинг барқарорлигини; давлат сиёсати самарадорлигини кўрсатади.

Тадқиқотга кўра, жами 89%дан ортиқ респондент камситиш мавжуд эмаслигини, жумладан, респондентларнинг 70,6% камситишлар умуман мавжуд эмаслигини, 18,8%и деярли учрамаслигини қайд этган. Респондентларнинг 2,8 % и ўртача даражада, 0,9% и кенг тарқалганлигини билдирган. Бу умумий таҳлилда диний зиддиятлар тизимли характерга эга эмаслигини англатади.

Диний камситиш асосан яширин шаклларда намоён бўлиши кузатишган:

хусусан, норасмий мулоқотда четлаштириш (3,5%), ишончсизлик ва шубҳа (3,2%), ташқи кўриниш асосида баҳолаш (3,4%), ахлоқий босим ва тамғалаш (~3%).

Бу ҳолатлар институционал эмас, балки кундалик ижтимоий муносабатлар ва стереотиплар билан боғлиқ.

Фаол диний ҳаёт кечирмайдиган шахсларга нисбатан респондентларнинг 70–74% — камситиш йўқ, 15–18% — деярли учрамайди, 3–5% — айрим ҳолатларда мавжуд, деган жавобларни белгилаган.

Бироқ камситиш кўпроқ “етарлича диндор эмас” деган тамғалаш, оила ва маҳалла босими, диний тадбирлардан четлаштириш кўринишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари ишонч кўрсаткичини қуйидагича кузатади: ишонч умумий

кўринишда — 45%, бетарафлик — 40%, салбий муносабат — 13%. Бу ҳолат очик зиддият йўқлигини, аммо эҳтиёткорлик ва ижтимоий масофа сақланаётганини кўрсатади.

Мулоқот ва ижтимоий масофа бўйича респондентларнинг 16% и тез-тез мулоқот қилишини, 18,5% и камдан-кам мулоқотга киришини, 20,6% и ҳеч қачон мулоқот қилмаслигини билдирган. Бу стереотипларнинг маълум даражада мулоқот етишмаслиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра, Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик институционал ва ижтимоий даражада шаклланган. “Биз учун энг катта бойлик — халқимиз ўртасидаги тинчлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамликдир.” [15] Бироқ яширин стереотиплар, ахлоқий босим механизмлари, мулоқот етишмаслиги, юқори даражадаги бетарафлик каби омиллар ижтимоий хавфсизлик учун латент (яширин) риск сифатида сақланиб қолмоқда. Бу омиллар узок муддатда ижтимоий ишончга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, тадқиқот натижалари диний камситиш тизимли муаммо эмаслигини, жамиятда бағрикенглик устувор кадрият сифатида шаклланганлигини, ижтимоий хавфсизлик умумий барқарор ҳолатдалигини кўрсатади. Бироқ стереотиплар ва яширин босим механизмлари профилактик ёндашувни талаб қилади.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1. Ижтимоий мулоқотни кучайтириш мақсадида конфессиялараро мулоқот платформаларини кенгайтириш, қўшма ижтимоий-маданий лойиҳаларни ривожлантириш талаб бўлади.

2. Таълим тизимида “бағрикенглик ва ҳуқуқий маданият” курсларини жорий этиш, амалий семинар-тренинглар ташкил этиш лозим.

3. Ахборот сиёсатида стереотипларни камайтирувчи медиаконтентлар яратиш, этик медиа стандартларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш талаб этилади.

4. Мониторинг жиҳатидан ижтимоий қўшилиш индексини аниқлаш ва ҳудудий чуқур социологик тадқиқотларни доимий

амалга ошириш, самарадорлик таҳлилларини йўлга қўйиш лозим.

5. Институционал чораларни белгилаш, хусусан, аноним мурожаат тизимини йўлга қўйиш, тенглик стандартларини ишлаб чиқиш керак.

6. Маҳалла тизимида медиаторлар институти шакллантириш орқали низоларни эрта ҳал қилиш механизмларини ишга тушириш мақсадга мувофиқдир. Бу институт Маҳалла институти меҳаназимлари билан уйғун тарзда амалга оширилиши қулайлиги билан самаралидир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиш айтиш мумкинки, бугунги кунда — Янги Ўзбекистон шароитида диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкам асосга эга. Шу билан бирга, ижтимоий хавфсизликни янада кучайтириш учун стереотипларни камайитириш, мулоқотни кенгайтириш ва ижтимоий ишончни институционал даражада мустаҳкамлаш, бу борада эса мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. -240 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – демократик ислохотлар йўлида: нутқлар ва маърузалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. -312 б.
3. Саидов А. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва конфессиялараро тотувлик. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 150 б.
4. Каримов У. Religious Tolerance and Social Stability in Uzbekistan. – Tashkent: University Press, 2020. -198 p.
5. Расулов Б. Sociology of Religion in Contemporary Uzbekistan. – Tashkent: Fan, 2022. -176 p.
6. Абдуллаев Ш. Диний бағрикенглик ва ижтимоий интеграция масалалари // Ижтимоий фанлар журналы. – Тошкент, 2023. №2. –Б. 41–45.
7. Allport G. W. The Nature of Prejudice. – Cambridge, MA: Addison-Wesley, 1954. -537 p.
8. Huntington S. P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon & Schuster, 1996. -367 p.
9. Berger P. L., Luckmann T. The Social Construction of Reality. – New York: Anchor Books, 1966. -240 p.
10. Casanova J. Public Religions in the Modern World. – Chicago: University of Chicago Press, 1994. -320 p.
11. Smart N. The World's Religions: Old Traditions and Modern Transformations. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. -600 p.
12. Pew Research Center. The Global Religious Landscape. – Washington, DC, 2012.
13. United Nations Development Programme (UNDP). Social Cohesion and Governance in Uzbekistan Report. – Tashkent, 2023.
14. World Bank. Governance and Social Stability Indicators: Uzbekistan Report. – Washington, DC, 2022.
15. Ижтимоий бирдамлик ва бағрикенглик. 2025. Республика Маънавият ва маърифат маркази ва “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази.